**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш бўйича**
**№ 2-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил « 1 » январь                                                                 Фуркат туман

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи кейинги ўринларда **«Обод фарм 5555» хусусий корхона** («Таъминотчи» деб аталади) номидан раҳбари **М.Ахмаджонов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Фурқат тумани "Мехрибон қалб" оилавий болалар уйи** номидан (келгусида «Истемолчи» деб аталади) раҳбари **Х.Комилова** ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

**1.Шартнома предмети**

1.1. «Сотувчи» «Харидор»га қуйидаги товарларни етказиб беради:

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати. **4 752 400** (Тўрт миллион етти юз эллик икки минг тўрт юз) сўмни ташкил қилади.

1.3. Маҳсулотлар **2022 йил январь** ойига қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бўлка нон | кг | 148 | 2 800 | 414 400 |
| 2 | Гурунч | кг | 10 | 8 000 | 80 000 |
| 3 | Гречка | кг | 5 | 15 000 | 75 000 |
| 4 | Макарон | кг | 5 | 6 500 | 32 500 |
| 5 | Круппа манная | кг | 5 | 7 000 | 35 000 |
| 6 | Шакар | кг | 15 | 9 500 | 142 500 |
| 7 | Сарёғ 82,5% | кг | 9 | 36 000 | 324 000 |
| 8 | Пахта ёғи | кг | 5 | 16 000 | 80 000 |
| 9 | Сут | литр | 124 | 4 500 | 558 000 |
| 10 | Творог | кг | 13 | 17 000 | 221 000 |
| 11 | Мол гўшти | кг | 37 | 55 000 | 2 035 000 |
| 12 | Товуқ гўшти | кг | 5 | 30 000 | 150 000 |
| 13 | Балиқ гўшти музлатилган бошсиз | кг | 10 | 27 500 | 275 000 |
| 14 | Томат | кг | 5 | 17 000 | 85 000 |
| 15 | Калбаса | кг | 7 | 35 000 | 245 000 |
| | **Жами** | | | | **4 752 400** |

**Изоҳ:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алохида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган махсулотлар учун махсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Истемолчи» оллиндан 30% миқдорида тўловни амалга оширади ҳамда тўлик ҳисоб-китобни маҳсулот олингандан сўнг, счет фактураларга асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% миқдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарҳ махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан хамда ҳудуддаги ўртача бозор нарҳлари асосида ва тақдим этилаётган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Махсулотлар учун нарх бозор нархларидан ошмаган ҳолда сифат даражасига қараб етказиб берувчи ва истеьмолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларга белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Таъминотчи» зиммасидан копланади.

### 3. Маҳсулот етказиб бериш:

3.1 «Таъминотчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган тақсимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яьни сентябрь ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

### 4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

4.1 «Таъминотчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария бўлими хулосаси ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Таъминотчи» «Истемолчи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ мухр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга маҳсулот беради. Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»нинг ишонч қогозида кўрсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда бу маҳсулотлар учун «Харидор» томонидан хақ тўланмайди. Шунингдек, «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Таъминотчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун хақ тўланмайди.

4.3 «Таъминотчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.

4.4. «Истемолчи» «Таъминотчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### 5.Томонлар жавобгарлиги

5.1 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га сифатсиз, ёки сақлаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган ҳолда "«Истемолчи» «Таъминотчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 20% жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган махсулот қийматининг 0.5% миқдорида лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Истемолчи»га пеня тўлайди.

5.3 Агар «Истемолчи» «Таъминотчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Таъминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

### 6. Форс-мажор

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

### 7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал қилиш муддати **31.01.2022 йилгача.** Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан; б) «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Истемолчи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда; в) «Таъминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Таъминотчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда; д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изох**: б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Истемолчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Истемолчи» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

### 8. Қўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари оркали ҳал қилинади.

8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб ***тегишли ғазначилик бўлинмасида*** рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**«Таъминотчи»**

«Обод фарм 5555» хусусий корхона

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани Ободон қ-ғи

Тел./факс +998-91-155-00-51

х/в 20 20 8000 105 292 418 001

Банк номи "Асака" банк Қўқон филиали

МФО: 00 631 СТИР: 307 805 922

ОКОНХ: 901 554

Раҳбар ____________ М.Ахмаджонов

имзо (Ф.И.Ш)

Хуқуқшунос:

**«Истеъмолчи»**

"Мехрибон қалб" оилавий болалар уйи

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фуркат туман Ободон қишлоғи

Тел./факс 91 143 76 16

ш/хр: 100021860302387095100075001

бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 308803821

ОКОНХ: 87900

Ғазначилик бўлинмаси номи: **Фуркат тумани Ғазначилик бўлинмаси**

ЯҒҲ: **23402000300100001010**

Банкнинг номи : **Марказий Банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)**

МФО: **00014**

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: **201122919**

Раҳбар ____________ Х.Комилова

(имзо) (Ф.И.Ш)

№ 2

Фуркат тумани "Мехрибон Қалб" оилавий
болалар уйи рахбари Х.Комиловага

*«Обод фарм 5555» хусусий корхонадан*

# Т И Ж О Р А Т   Т А К Л И Ф И

*Сизнинг тасарруфингиздаги муассасани узлуксиз озиқ-овқат махсулотларини етказиб бериш мақсадида хусусий корхонамиз томонидан қуйидаги нархларни таклиф этамиз.*

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бўлка нон | кг | 148 | 2 800 | 414 400 |
| 2 | Гурунч | кг | 10 | 8 000 | 80 000 |
| 3 | Гречка | кг | 5 | 15 000 | 75 000 |
| 4 | Макарон | кг | 5 | 6 500 | 32 500 |
| 5 | Круппа манная | кг | 5 | 7 000 | 35 000 |
| 6 | Шакар | кг | 15 | 9 500 | 142 500 |
| 7 | Сарёғ 82,5% | кг | 9 | 36 000 | 324 000 |
| 8 | Пахта ёғи | кг | 5 | 16 000 | 80 000 |
| 9 | Сут | литр | 124 | 4 500 | 558 000 |
| 10 | Творог | кг | 13 | 17 000 | 221 000 |
| 11 | Мол гўшти | кг | 37 | 55 000 | 2 035 000 |
| 12 | Товуқ гўшти | кг | 5 | 30 000 | 150 000 |
| 13 | Балиқ гўшти музлатилган бошсиз | кг | 10 | 27 500 | 275 000 |
| 14 | Томат | кг | 5 | 17 000 | 85 000 |
| 15 | Калбаса | кг | 7 | 35 000 | 245 000 |
| **Жами** | | | | | **4 752 400** |

«Обод фарм 5555» хусусий корхонадан рахбари: М.Ахмаджонов

Банк реквизитларимиз:
Манзил: Фуркат тумани Ободон қишлоғи
х\р: 20 20 8000 105 292 418 001
МФО: 00 631
Банк: "Асака" банк Қўқон филиали
ИНН: 307 805 922

0246

3604891

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OBOD FARM 5555" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OBOD FARM 5555" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.10.2020 . 901554 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307805922

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Furqat tumani, OBODON QISHLOG`I,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Furqat tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

Верна ТУ зрл

OBOD FARM 5555 ÓZBEKISTON RES. FARG'ONA VIL. FURQAT TUMANI "OBOD FARM 5555" XUSUSIY KORXONASI